

Муминжон Исохонович ХУЖАЕВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси
Фалсафа доктори (PhD)
mumin_81@mail.ru

ЗАКИ ВАЛИДИЙНИНГ “ТАРИХДА УСУЛ” АСАРИДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

SOCIO-PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE SCIENTIFIC DEVELOPMENT OF THE «METHOD IN HISTORY» BY ZAKI WALIDI

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ НАУЧНОГО РАЗВИТИЯ «МЕТОДА В ИСТОРИИ» ЗАКИ ВАЛИДИ

Аннотация: Ушбу мақолада Аҳмад Заки Валидий Тўгоннинг “Тарихда усул” асарида немис олими К.Ясперснинг “Европа тафаккури” китобидаги асосий гояларининг фалсафий таҳлили ва “Устун ирқ” назариясининг ёлгонлиги кўпчилик Ғарб тарихчилари риёзий (математик) ҳақиқат деб тақдорлаётган Ғарб халқларининг ирқий устунлиги ҳақидаги назариянинг нотўғрилиги асосланган.

Калит сўзлар: Маданият, таълим, фан, тараққиёт, халқ, олим, шарқшунос, фалсафа, усул, жамият, янгилик, технология, тафаккур, хусусият.

Аннотация: В статье анализируются основные идеи Ахмада Заки Валиди Тогана в книге “Метод в истории” о произведении К.Ясперса “Европейское мышление”, а также обоснованы ложность теории “Превосходство расы” и необоснованность теории привосходство расы Западных народов утверждающаяся как математическая истина многими Западными историками.

Ключевые слова: Культура, образование, наука, развитие, люди, ученый, востоковед, философия, метод, общество, инновации, технология, мысль, особенность.

Abstract: The article analyzes the main ideas of Ahmad Zaki valid Togan in the book “Method in history” about the work of K.Jaspers “European thinking”, as

well as the falsity of the theory of “race Superiority” and the unfounded theory of race superiority of Western peoples, which is claimed as a mathematical truth by many Western historians.

Key words: Culture, education, science, development, people, scientist, orientalist, philosophy, method, society, innovation, technology, thought, feature.

Ғарб ҳар бир ишни воситасиз бажаришни яхши кўради (электроника ва бошқа соҳаларда Шарқ алломалари кашф этган алгоритмлардан фойдаланади), ўз ақлига (фан ютуқларига) суяниб янги кашфиётлар қилиш қудратига қаттиқ ишонади. У бугун жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган маданияти, мақсадларини кўзлаб, аввал яратганларини янада такомиллаштиради. Шунингдек, асарда Заки Валидий Ғарб ўзини бутун дунёга ҳоким, маданият ўргатувчи деб билади. Х.Х.Шайдер Ғарб технологияга, механизацияга берилиб, маънавият соҳасида Шарқдан орқада қолаётганини тан олсада, Ғарб илм-фанини тадқиқ этувчилар Ғарб мамлакатларининг барчаси Шарққа қарши бирлашиб, турли ташкилотлар тузишини айтиб ўтишган [1; 1947].

Заки Валидий шундай изох беради “Европа тафаккури юнон фалсафаси ва табиий фанлар” кўрсатган усуллар билан ва генофонднинг қоидаларига доир танқидий ёзувлари ҳамда узоқ асрлар турғунликдан кейин бошланган Ренессанс даврида янгиланган тафаккурдир. Янгича онг ва тафаккур манбаи юнон заковати, Рим жамияти ҳаёти ҳамда ҳуқуқи бўлган бу қарашлар ва рух Ғарб оламида турли акидаларни, эътиқодларни, фикрларни, турли қаноат, тасаввурларни бир-бирига тўқнаштиради. Булар натижасида ҳаёт жонланади. Энг аччиқ танқидларга ҳам ҳурмат билан қаралади ва жамият тараққий этади. Ғарб тафаккури ҳеч бир тушқунлик билмайдиган рухдир. У ҳар қандай шароитларда илм-фанни турли соҳаларига оид назарияларни доимо ўйлаб топа олади, эскирганларини ташлаб, янгиларини ишга солади. Денисон Росс 1935 йилда II Туркий халқлар тарихи конференциясида ва 1929 йилда Олд Осиёга қилган сайёҳатларидан сўнг у Ғарб илм-фан соҳасида Шарқдан олдинда эканлигини хусусида шундай деган эди: Шарқ биздан техника ва метод (усул)

ўрганади, аммо унинг ташаббусларини амалга ошириши унинг (жуғрофий иқтисодий, сиёсий) ҳаракатларини чизиш ҳамда унинг тарихини, ҳозирги ҳаётига баҳо бериш (ижобий ва салбий эканлиги) Ғарбнинг қўлидадир дейди. Шарқ мамлакатлари лотин алифбосини [2; 552] қабул қилиши Шарқ халқларнинг фақат техника соҳасидагина эмас, маънавий соҳасида ҳам ғарбликларга қарам қилади. Европа тафаккури ва методи Европаликларнинг ихтиросидир. Шарқ халқларидан гоҳо айрим кучли шахслар (арбоблар ва олимлар) чиқиши бу аҳволни ўзгартирмайди.

Таърифларнинг хатолари

Ғарб маданиятининг моҳияти, унинг афзаллиги ва қудрати ҳақида Ғарб олимларининг ўта ғурур билан айтган сўзларидир. Баҳс-мунозарага ўрин қолдирмас шаклда собит бўлган географик омил масаласида ҳам Шарқий Европа ва Ғарбий Европа географик кашфиётлар натижасида бу мамлакатларда денгиз йўллари очилганлигини ҳам ижобий афзаллик деб кўрсатадилар. Фақат бунга Ғарб ва Шарқнинг юксалиш ва тараққиёти масалалари билан кўп шуғулланган тадқиқотчи Ф.Гренарднинг Осиёда фақат Малайзия ва Япониянинг географик фазилатлари халқаро алоқалар жиҳатидан Европаликларга ўхшайди, [3; 158] деган фикри эътиборга моликдир. Денгиз йўлларида ҳукмрон бўлган Европа ва Америка шу кунга қадар Осиёда қурилган темир йўллардан фойдаланмоқда. Бу эса Осиёнинг қиёфасини бир-икки авлод давомида тубдан ўзгантиради [4; 230-238].

Ғарб олимлари фикрича, бир вақтлар туркий халқларнинг бош бўғини бўлган қадимий туркийлар ва скифларнинг давлат тузулишларидан “асар” ҳам қолмади. Лотин алфавити масаласи эса, Денисон Росс таъкидлаётган Шарқ халқларини қолоқликда сақламайди, аксинча, бу алифбодан Ғарб тилларида ёзилган асарларни ўзлаштириб, Европа билан бирдай савияга етиб олишга ҳаракат қилади. Буни жуда яқин, истикбол буни натижасини ижобий эканлигини кўрсатади. Европа ва АҚШ олимлари Шарқ халқлари

маънавий маданиятига етишишга интилаётгани яққол кўринади. Ҳозирда кўп таъкидланаётган жаҳон тарихи олимлари, шу жумладан, Жак Пиренейнинг Европа фикр теранлашни Геония мактабидан, Фалес ва Пифагордан ҳозирги Европа фалсафий тафаккуригача етиб келган фалсафий қарашлар силсиласи каби кўрсатадилар.

Илм-фан тараққиёти ва ҳиссий идрок руҳияти

Заки Валидий Ғарбнинг Шарққа таъсири 3000 йиллик масала эмас, балки географик кашфиётлар, халқаро денгиз йўллари очилиши билан Европа давлатлари иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўзаро таъсирларнинг натижасидир. Ғарбнинг Шарқдан устунлиги ҳақидаги фикрлар бундан XV асрдан, Европа уйғониш давридан кейин тилга олина бошлади [5; 271-65].

Ғарбда эришилган бунёдкорлик тафаккури (*esprit de creation*) билан Шарқда мавжуд бўлган руҳий, ҳиссий таъсирчанлик (*sentenement d'infaniorite*) бирлашувидан иборатдир. Сўнгги V аср давомида пайдо бўлган бу хусусият (бунёдкорлик тафаккури)нинг кўп жиҳатлари Европа халқлари ўзлари эришган ва Шарқнинг ирқий (генетик) хусусиятларидан олинган қобилиятлардир. Ф.Гренардин бу масалани бир генетик психология масаласи сифатида кўриб чиқади ва Ғарб халқларининг хусусиятлари билан Шарқ халқларининг характери, руҳидаги муҳим фарқларни шу жиҳатдан тадқиқ этади. Туркий ва мўғул халқларнинг тарихи билан кўп ва кенг миқёсида шуғулланган, асли Извечли (Швецияли) рус олими Г.Е.Грум-Гржимайло ҳам Ғарб халқларининг (Ҳинд ва Европа тилига мансуб халқларининг) олий ирқли деб улуғлашда ҳаддан ошади. Олимларнинг бу ирқий назарияни рад этганига қарамай, Ғарб халқларининг ирқий устунлиги, бошқа халқларнинг паст (табақадаги) ирқ эканлиги ҳақидаги бу фикрлар Европаликлар орасида анча кенг ёйилган. Европа халқларининг сиёсий ва маънавий нуфузи баландлиги ҳақидаги бу назария адабиётлар орқали Шарқ зиёлилари онгига ҳам сингиб кетган. Ўтган аср (XVIII) “Ғарбчилар” шу жумладан рус файласуф

А.А.Чаадаев ҳам шу фикрда эди. Турли мамлакатлардаги туркий зиёлилардан ҳам бу фикр руҳий хасталик шаклини олган. Россияда ўқиган татар мирзолари (амирзодалари) наслидан бўлган, Дума аъзоси Князь Кутушев ўзини туркий халқдан деб биларди ва бундай дерди: “Биз туркийлар ва мўғуллар ўз бошимизча (мустакил)” маданият яратмадик ва яратмаймиз. Фақат Чин, Ҳинд, Араб ва Россия жамиятларига қўшилганимиздан кейингина, бошқалар очган йўлдан бориб, биринчи даражали маданият сохибларини етиштирдик. Бизда буюк бир ташкилотчилик бор, бу орий халқларнинг бизда бўлмаган баъзи ирқий фазилатларини ўзлаштириб, баъзи мўъжиза шахсларни майдонга келтириш фазилатидир. Шу фазилат сабабли (русларда) Годунов, Кутузов, Римский-Корсаков, Чадаев каби шахслар етишиб чиқдилар. Туркий зиёлилари [6; Заки Валидий] ўртасида бунга ўхшаш фикрларнинг тарқалишига сабаблардан бири Шарқ олами юнонлар фалсафий меросини Ўрта асрларда аввало Ғарб ўзлаштирганини ва Ғарб олами бу меросни Шарқ халқлари орқали олганини, Ғарбдаги уйғонишларга Шарқ алломалари замин тайёрлаганини билмасликдир. Ҳолбуки, ҳозирги илм-фан оламида Шарқ маданияти таъсирида Ғарб мамлакатларида ҳам илмий марказлар вужудга келгани кўпчилик илм аҳлига илк манбалар асосида маълумдир.

“Устун ирқ” назариясининг ёлғонлиги

Кўпчилик Ғарб тарихчилари риёзий (математик) ҳақиқат деб такрорлаётган Ғарб халқларининг ирқий устунлиги ҳақидаги бу назариянинг ёлғонлиги шунда ҳам кўринадики, Ғарбий Европада Ренессанс даврида жуда кўп билимларни араб тилида ижод қилган олимларнинг манбаларидан олганлиги, Европа халқларида илм-фан бўлмаганлигини исботи учун қадимги даврларда илм-фан ва фалсафа ривожланган. Ҳиндлар ва форсларнинг орийлар ирқига мансублиги, ҳозирги кунда Европанинг маданий жиҳатдан бой бўлган халқлари финлар, эстонлар ва можоролар (венгрлар)нинг Ўрол-Олтой халқларига мансубдир.

Шунингдек, II жаҳон уруши (1939-1945) йилларида Европа сиёсатчилари Осиёликларнинг маданиятини йўқотиш ва ўз маданий бойликларини асраш учун профессор

Х.Х.Шедерин айтганидай, ирқий хусусиятлар асосида эмас, балки осиеликларнинг иқтисодий бойликларини қўлга киритиш учун урушда Европа давлатларининг бир-бири билан душман бўлиб қолганлиги ирқий назарияни оқламайди. II жаҳон урушида Европанинг энг “Қароматли” халқларидан бўлган “Олий ирқ” вакилларининг мағлубияти Осиёликларга Европанинг сиёсий ва маданий қарамлигидан қутулишга йўл очди. Фақат энди мустамлака ва ярим мустамлака ўлкалар ўз миллий озодлик учун кураши натижасида асоратдан қутулганликлари каби, Америка (қитъасида) ҳам миллий озодлик кураши авж олди [7; 200-204].

Мустақил бўлган (собик) мустамлакалардан топилган янги илмий кашфиётлар “олий ирқ”лар ҳақида, Ғарб халқларининг ирқий устунликлари ҳақида Европанинг “Буюк мутафаккирлари” айтган фикрларини бир четга улоқтирди. Зотан, гўё немис ирқчилигига қарши курашган англосакслар оламида кўрилган “Ҳақиқий Ғарб ирқи”нинг афзалликларига қатъий ишончи, Осиёликларнинг Совет ҳукумати қаноти остида маданиятга эришганлиги ҳақидаги хато фикрлар, хулосалар ва қадимги “Юнон мўъжизаси” каби, “Ғарб мўъжизаси” ҳақидаги фикрларнинг ҳам асоссиз эканлиги намоён бўлди. Ўзини дунёнинг “Шайхи, пири муршиди” деб билувчи Ғарб мутафаккирлари энди бу назария ўрнига ўзларини осиелик халқларга демократик муносабатлар жамиятини куришда устоз деб танитмоқдалар. Ғарб “Қамолот”ларига қарши Шарқ халқларида нафрат ҳисси уйғонмоқда. Шу тариқа, юқорида зикр этилган 9 моддали Ғарб ирқининг устунликлари ҳақидаги назария ўрнига, жаҳон тарихида эришилган маданий бойликлар фақат ғарбликлар мулки бўлиб қолмай, Ғарб ва Шарқ халқларининг бутун инсониятнинг умумий мулки эканлиги, бу маданий меросга ҳар бир халқ ўз миллий маданий хазиналари билан ҳисса қўшганлиги ҳақидаги гоё яқин келажакда бутун дунёда қабул қилинади. (Аҳмад Закий Валидийнинг бу илмий хулосаси фақат синовидан ўтди, ҳозирги даврда европацентристларнинг ирқчилик гоёси ҳозир ҳам кучли бўлганлиги адабий-тарихий манбалар билан исботланди – М.Х.) [8; 200-204].

**“Цивилизация” ва “маданият”
тушунчаларининг фарқлари. Юнон
маданиятлари ҳақидаги Абу Райҳон
Берунийнинг фикрлари**

Европа халқларининг миллий маданиятлари бир-биридан фарқлангандай, Шарқ халқларининг ҳам ўзаро ҳам шарқлик ва ғарблик халқларнинг урф-одати, дини, ахлоқий хусусиятларида фарқлар бўлиши табиийдир. Фақат маданият, илм-фан, санъат соҳаларида ўзаро алоқаларини ўрганишнинг методи ва техникаси (методологияси) барча халқлар учун ўхшашдир. Юнон маданияти шаклланаётган даврларда Шарқ халқлари маданияти Ғарб дунёсининг бир қисмини ҳам ўз ичига олган эди.

Ислом олами юнон маданиятининг давомчиси бўлиб майдонга чиқди. Юнонлар қиймат ва ўлчов бирликлари номларини динар, дирҳам, драхма, эстар, мисқол, хоразмийларда дина, грамм [9; 198-199] ва бошқалар айрим географик, математик ва фалсафий тушунчаларини қадимги шумерлардан олганлиги маълумдир. Беруний “Осор-ул боқия” асарида Бобил, Шумер, Искандарийлар, Салавий тақвимлари ҳақида ёзади. К.Ясперс ҳам ислом олами маданият жиҳатидан Юнон, Миср, Румо, Ҳиндистон, Чин (Хитой) каби халқлар маданиятига ўхшашлиги ва фарқларини кўрсатади [10; 230].

Заки Валидий фикрича, ислом олами ғарбликлардан анча аввал, илк христианликлар даврида қадимги юнон маданияти, фалсафаси билан танишган. Беруний, Ғарб олимлари Хенри Массис ва Паул Валери каби христианлик даврида маданиятини улуғловчи олимлардан фарқли равишда Ғарб маданиятининг энг юксалган, порлоқ даври христианликдан аввалги, қадимги юнон маданияти даври эканлигини исботлаб берган. Фикримча, (Заки Валидий) келгусида “Ғарбий” ва “Шарқий” маданиятларнинг фарқи йўқолади. Япония Америкага нисбатан, Франция Испанияга нисбатан шарқий макон бўлиб қолади. Кичик Осиёликнинг ёки мўғулларнинг маданият жиҳатидан германияликлар, Америка фуқаросидан фарқи Европа ва Америка халқларининг ўзаро фарқига ўхшаб қолди. Миллий жамиятларга бўлган Ғарб алоҳида, миллий жамиятларга

бўлинган Шарқ ажралмайди. Охирги V аср давомида Европа ва Осиё орасида яратувчилик ва ривожланиш соҳаларида бўлган фарқлар яна бир қанча вақтларгача сақланади камайиб боради. Тараққиётга эришган жамият қуриш қоидаларини ҳар бир давлат ўзи ижод қилади.

**Ғарб маданиятини ўзлаштириш
даражалари**

Шарқ ва Ғарб орасидаги фарқларнинг энг муҳими тараққиёт ва ташаббускорлик руҳи устун эканлигидир. Шарқда ҳозирги асрда тараққиёт, яратувчилик тафаккурининг меъёри, меъзони нисбатан кўринади. Аввало, мустиқ фикрловчи муаллифлар сифатида янги маҳсулот ёки технологияни яратиш. Масалан: Шарқ олими жаҳон даражасидаги янгилик бўлган бир илмий асарни вужудга келтиради. У асар мазмунида, методи ва методологияси мукаммал бўлиб, ғарб олими асари шаклига келтирса, демек у Ғарб маданиятини тўлиқ ўзлаштирган бўлади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, шарқлик олимлар аждодларини асарларига мурожаат қилган бўлса, у фойдаланган шарқий манбалар ҳам асл бўлса тасниф ва таҳлил усуллари ва илмий-техник жиҳатларидан бу асар мукаммал асар бўла олади.

Ғарб илм маданиятини ўзлаштиришнинг яна бир белгиси диққат, эътибор ва қиёсий таҳлили бунга мисол бўла олади. Европада “акри-бия” (илми яқин) деб, юнонча сўз билан ифодаланувчи бу хусусият балки, Европаликларга қадимги Юнонистонда ва Румда мерос бўлиб қолган. Аммо бу хусусият Чин (Хитой)да бўлгани каби, қадимги Хоразмликлар, Сирдарё ва Хоразм атрофидаги Хоразм туркийларида ҳам кўринади [11; 30].

Беруний юнонликларда бўлган бу диққат эътибор хусусияти ислом динига эътиқод қилувчи халқларда йўқлигидан шикоят қилган эди. У ҳатто, эътиборлилик, бепарволик бу бизнинг қавмимиз (туркий халқлар)нинг умумий камчилигидир деган эди. Ал-Беруний шундан сўнг “Ёзувларни тасхих этмоқ ва асли билан қиёслаш хусусида бизда ҳукм сурган диққатсизлик сабабли бундай (қадимги) асарларнинг борлиги ё йўқлиги кўринади.

Ҳатто бундай китобларнинг мундарижасидаги мавзуларнинг маълумотларини билиш ва билмасликни аҳамиятсиз деб ўйлайди. Агар бизда (туркий халқларда) бу одат бўлмаса эди. Диоскур, Гален (Жолину), Паулус, Орейбасиус (Ориген) асарларнинг араб тилига таржималарида зикр этилган юнонча исмларни нақл этмоқ ҳам кифоя қилар эди. Биз афсуски, бу таржималарга ишониш қийин ва уларнинг қўлёзмаларида тафовут бор. Шу жиҳатдан бу юнонча исмларнинг асли қандайлигини юнонлардан сўраб-суриштириб, исботлаш зарур дея Берунийдан ўзи ўша вақтларда Хоразмга ёки Ғазнага келган бир румликдан суриштириб, исмларнинг асл шаклини унинг ўз тилида, ҳар ҳолда Рум (лотин) ҳарфлари билан ёзиб, исботлаган эди [12; 340].”

Бизнинг кутубхоналаримиздаги қадимги қўлёзмаларни қайси мамлакатларнинг диққат-эътибор билан алоҳида эътибор бериш ва бу қўлёзмаларни қайси мамлакатларнинг олимлари эътибор билан тадқиқ этаётганлигини ўрганиш ислом халқларини маданияти тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият берилган. Диққат ва эътибор ирқий хусусият эмас, эътибор ва тарбия натижасидир. Фақат (бундай ишларга) эътиборсиз бўлиб қолган халқлар эътиборли бўлиш учун йиллар, асрлар керак бўлади. Ислом миллатлари эътиборсизлик (бепарволик) ва эътиборнинг аҳамиятини билиш учун келгуси авлодларга алоҳида тарбия беришлари зарур. Шундай қилинмаса, шарқ халқлари айниқса, техника соҳасида доимо Ғарбдан орқада қолмасликнинг муҳим шартларидан бири бунёдкорликда, ижодий тафаккурда мустақиллик илм-фанларга ва диққат-эътибор билан қараш қобилиятидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Karl Jarspers. Vom Ursprung Ziel der Geschichte. Zurich. 1949., Leon Brunchvich. L'Esprit europeenne. Parij. 1947.
2. Bemerkungen zum modernen Islam. D. suddeutsche Monatshefte. XXX-III. 1936. S. 552.
3. F.Grenade. Grandeur et decadence de-l-Asia. Paris 1939, P 158.
4. Owen Lattimore. The situation in Asia. Boston, 1949, s 181-238, bilhassa, 230-238.
5. Заки Валидий Тўғон. Ибн Фазлон. 271-65. Яна: можор олами Г.Алфўғлу, В.Бартольда кўрсатилган.
6. Жаноб Денисон Росс 1926 йилда В.Барольд Истанбулдалигида мен (Заки Валидий)га, эҳтимол Фуод Кўпрулуға ёзган мактубларида “Фақат лотин ёзувига ўтингиз” деб ташвиқ этганини, шу масалада Қоҳира, Шом, Бағдодга саёҳат қилганини, аммо Эронда Ризо шоҳ ва Арабистонда қирол Сауд бу таклифни қабул қилганини ёзади.
7. J. Pireney. Les grants Courante de Histories Uneven sells. J. Neuchâtel, 1944 гр. 190-91. s 1946, s 277-98.
8. Сулаймонова Ф. Ғарб ва Шарқ. Н.Комилов Тафаккур қарвонлари. Х. Болтабоев, М.Маҳмудов. Адабий-эстетик тафаккур тарих. 1-жилд. Т. “Мумтоз сўз” 2014 й.
9. Хоразм тилида грамм сўзи борлигини мен Англияда саёҳатимиз вақтида Қўнияда Юсуф ота кутубхонасида топганим эски Хоразм тили луғатида кўрган эдим (З.Валидий).
10. Абу Райҳон Беруний “Китоб ас-Сайдана”. “Бурса жоме-и” кутубхонасида сақланган қўлёзма. – Б. 6. (Заки Валидий).
11. Der VII. Orientalistentag (ZDGM, XC, 1936) s. *30*.
12. Ал-Берунийнинг “Китоб ас-сайдана” асарисидаги бу фикр бу китобда 340 саҳифанинг хошиясида.